

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗИРОВА ШУКРИЯ МИАДОВНА

**ХИТОЙДА АЁЛЛАР АДАБИЁТИ:
ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ
(XX-XXI АСРЛАР)**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК:821.581
КБК: 83.3(5Кит)
Н-16

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Назирова Шукрия Миадовна

Хитойда аёллар адабиёти: шаклланиш омиллари ва такомил
босқичлари (XX-XXI асрлар)..... 3

Назирова Шукрия Миадовна

Женская литература Китая: факторы становления и этапы развития
(XX-XXI вв.) 25

Nazirova Shukriya Miadovna

Women's literature of China: factors of formation and stages of
development (XX-XXI centuries)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗИРОВА ШУКРИЯ МИАДОВНА

**ХИТОЙДА АЁЛЛАР АДАБИЁТИ:
ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ
(XX-XXI АСРЛАР)**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil.1056 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиямухамедов Жасур Ташпулатович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Муhibова Ульпатхон Учқуновна
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баходир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д.

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида кейинги ўн йилликларда аёл адибалар ва уларнинг ижоди, адибаларнинг адабий жанрларни янгилашдаги ўрни, анъаналарнинг давом этиши, янги бадиий талқинлар, ижодий усуллар, аёл ижодкорлар томонидан илгари сурилаётган бадиий концепцияларга бағишланган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Аёллар адабиётини илмий ўрганиш адабиётнинг бадиий-эстетик тафаккурини чуқур ҳис қилиш баробарида замонавий жамиятда аёлнинг ўрни, мақоми ва гендер масалаларни яқиндан англаш имкониятини ҳам яратади.

Замонавий дунё адабиётшунослигида Шарқ адабиётининг энг қадимги ва ўзига хос адабий мактабларидан бири Хитой адабиётини, у ердаги аёллар адабиётининг юзага келиши, тараққий этиши, аёл адибалар ижод этган жанрлар ривожини, образлар тизими сингари муаммоларни ўрганиш долзарб масалалар қаторида туради. Хитой давлати ўз тарихий тараққиёти давомида жуда кўплаб таҳликали, зиддиятли сиёсий жараёнларни бошидан кечирди. Айниқса, XX аср турли инқилоблар, ислохотлар, ўзгаришлар даври бўлди. Аёллар адабиёти ҳам давр билан ҳамнафас тарзда ривож топди. Бугунги кунга келиб Хитойда аёл ижодкорларнинг номлари аноним қўлланиладиган қадимги даврлардан тубдан фарқ қилувчи аёллар адабий муҳити тараққий этган ва катта тадқиқотлар учун объект бўлиб хизмат қилаётган улкан адабий жараёнга айланди.

Мамлакатимизда кенг миқёсда кечаётган ислохотларнинг янги даврида адабиётга ошнолик ва китоб мутолааси масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллатнинг қиёфасини белгиловчи мезонлардан бири бўлган бадиий адабиётни ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, руҳияти билан боғлиқ билимларни оширишда муҳим омил саналади. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида адабий алоқаларга ҳам айрича урғу берилмоқда. Чунинчи, Ўзбекистон ва Хитойнинг серқирра муносабатларида икки юрт маданияти, адабиётининг турли ракурсда ўрганиш ва тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4680 сон Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш Маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 700-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аёллар адабиётининг пайдо бўлиши масаласи жаҳон адабиётшунослигида кўплаб тадқиқотлар учун объект бўлиб хизмат қилган. Жаҳон адабиётшунослигида ҳам хитой аёллар адабиёти бир қадар ўрганилган¹.

Хитой аёллар адабиётини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар, асосан, XX асрнинг 30-йилларидан юзага кела бошлади. Дастлаб Хуэй Чюннинг «Аёллар ва адабиёт»², Хуан Йингнинг «Хитойнинг замонавий аёл ёзувчилари»³, Цао Юйнинг «Ҳозирги давр хитой адибалари»⁴, Хуан Жэньингнинг «Ҳозирги давр хитой адибалари ҳақида мулоҳазалар»⁵, Хэ Юйбаонинг «Замонавий хитой адибалари»⁶, каби илмий тадқиқот ишлари пайдо бўлди. Бу тадқиқот ишлари асосан «4 май ҳаракати»да фаол бўлган адибаларга оид бўлиб, уларнинг адабий фаолиятида алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ва гуруҳларга таснифланган. Масалан, Хуан Жэньинг тадқиқотларида Бин Син ва Сун Суелин каби адибалар «Аслзода аёллар» гуруҳига (閩秀派), Лэн Шухуа кабилар «Янги аслзода аёллар» гуруҳига (新閩秀派), Фэн Юанчюн ва Дин Лин каби адибалар эса «Янги аёллар» (新女性派) гуруҳига мансуб, деб

¹ Dittmer, Lowell. China's Continuous Revolution: The Post-Liberation Epoch, 1949-1981; Sneath D. The Impact of the Cultural Revolution in China on the Mongolians of Inner Mongolia. – Modern Asian Studies, vol. 28, no. 2, 1994; Дмитрева А.А. Формирование творческой индивидуальности Чжан Цзе/ Вестник Московского университета, серия 13, Востоковедения, 2008, №3; Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. / Гл. ред. М.Л.Титаренко; Ин-т Дальнего Востока. – М.: Вост. лит., 2006 – . Т. 3; Желоховцев А. «Культурная революция» с близкого расстояния. – М.: Политиздат, 1973; Кузьмин С. Л. Глава 9. Великая пролетарская культурная революция. Итоги периода Мао // Скрытый Тибет. История независимости и оккупации. – СПб.: издание А. Терентьева, 2010; Литература. Язык и письменность / ред. М.Л.Титаренко и др. – 2008; Никитина А.А. Эволюция персониферы китайской прозы второй половины XX ВЕКА. – Санкт Петербург, 2017 (дисс.на соис.кан.филол.н.), С.27;Усов В. Н. КНР: от «большого скачка» к «культурной революции» (1960-1966 гг.). – М.: ИДВ РАН, 1998. – Часть 1, С. 221; Часть 2; Усов В. Н. КНР: от «культурной революции» к реформам и открытости (1976-1984 гг.). – М.: ИДВ РАН, 2003. Harrison J.P. The Long March to Power. A History of the Chinese Communist Party / J.P. Harisson. – New York – Washington : International Thomson Publishing, 1972; Асланов Р.М. Три модели и перспективы социализма в КНР//Восток-Россия-Запад: Ист. и культурол.исслед: К 70-летию акад. В.С.Мясникова. – М., 2001; Бергстен Ф., Гилл Б., Ларди Н., Митчелл Д. Китай. Что следует знать о новой сверхдержаве. – М.: Институт комплексных стратегических исследований, 2007; Бондарева В.В. Культура и «культурная революция» в КНР (1966-1976 гг.): соотношение понятий/ В.В.Бондарева// Гарни 2004: материалы Научной сессии ФИСМО (факультет истории, социологии и международных отношений). – Краснодар: Кубанский государственный университет, 2004; Демидо Н.Ю. Чжан Цзе//Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. Москва, Восточная литература, 2006. – Т.3; Корец Г.Б. //Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. Москва, Восточная литература, 2006. – Т.3; Львов Д.В. Жизнь и творчество современной китайской писательницы Ван Аньи. – Санкт Петербург, 2007. (автор.эф. дисс. на соис. кан.филол.н.); Никитина А.А. Эволюция персониферы китайской прозы второй половины XX ВЕКА.- Санкт Петербург, 2017 (дисс.на соис.кан.филол.н.); Усов В.Н. «Культурная революция» в Китае //В книге: История в лицах и событиях. – Москва, Политиздат, 1991.

² 辉群:《女性与文学》.-上海: 启智书局, 1928年, 102页

³ 黄英:《中国现代女作家》-上海: 北新书局, 1931年, 124页

⁴ 草野:《中国现代女作家》-上海: 人文书局, 1932年, 126页

⁵ 黄人影:《当代中国女作家论》-上海: 上海光华书局, 1933年, 264页

⁶ 贺玉波:《现代中国女作家》-上海: 上海复兴书局, 1936年, 242页

кўрсатилади. Қатор адибаларнинг ижод олами, баён услуби жиҳатидан фарқлари келтириб ўтилади⁷. Бироқ, юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишларида умумий бир камчиликни пайқаш мумкин: уларнинг барчаси эркакларнинг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда адибалар ижодини тадқиқ қилишган, айрим масалаларда аёлларга хос нуқтаи назар, ёндашув етишмайди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Ғарб феминизмига оид қарашларнинг кириб келиши натижасида аёллар адабиёти айнан жинс нуқтаи назаридан ўрганила бошланди. Бунга Мэн Юэ ва Дай Цзинзуаларнинг «Тарих юзасига қалқиб чиққан: ҳозирги замон аёллар адабиёти тадқиқи»⁸, Лю Сэчэннинг ««Нала»нинг айтганлари – Хитой ҳозирги замон адибаларининг руҳий кечинмалар даврий жараёни»⁹, Ли Лэнгнинг «Хитой замонавий адабиётидан жинс тушунчаси»¹⁰, Чан Бэннинг «Хитой аёллар адабиётида тил эврилишлари: 1898-1949»¹¹, Ли Шуонинг «Хитой ҳозирги замон аёллар ижоди ва унда ижтимоий жинс»¹² каби тадқиқотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ишларда хитой адибаларининг ижодлари ғарб феминизмининг айрим-назарий қарашларига асосланган ҳолда талқин қилинади ва баҳоланади. Масалан, Мэн Юэ ва Дай Цзинзуаларнинг «Тарих юзасига қалқиб чиққан: ҳозирги замон аёллар адабиёти тадқиқи»да руҳий таҳлил назарияси асосида хитой адибалари асарларидаги она ҳамда она ва қиз мавзулари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда адибалар ижодига ғарб феминизми назариялари асосида ёндашилган ва натижада хитой аёлларига хос бўлмаган жиҳатлар бўрттириб юборилган, Хитойнинг кўп йиллик маданияти, тафаккури ва хитой аёлларининг ўзига хос турмуш тарзи кабилар иккинчи планга тушиб қолган.

Шунингдек, хитой адабиётшунослигида қадим ва ўрта асрлар Хитой адабиётини аёллар ижодига бағишланган бир қатор тадқиқот ишларини ҳам кўриш мумкин¹³. Мазкур ишлар Хан, Тан, Сун, Мин, Цзин сулолалари даври аёллар адабиётини оид бўлиб, улар асосан аёл ижодкорлар асарларининг умумий тавсифий баёнидан иборат. Ўша даврлардаги ижтимоий-маданий ҳаёт, диний-фалсафий тафаккур тарзи, адабий муҳит кабиларнинг адибалар ижодида қандай акс этиши ҳақидаги мулоҳазалар кам учрайди.

Бундан ташқари, Лео Ли¹⁴, Ли Оуфань¹⁵, Николь Хуан¹⁶, Ван Аньи¹⁷ каби олимларнинг ишлари ҳам бевосита хитой аёллар адабиётини бағишланган

⁷ 黄人影:《当代中国女作家论》-上海:上海光华书局,1933年,第1-36页

⁸ 孟悦,戴锦华:《浮出历史地表:现代妇女文学研究》-郑州:河南人民出版社,1989年

⁹ 刘思谦:《娜拉》言说——中国现代女作家心路纪程》-上海:上海文艺出版社,1993年

¹⁰ 李玲:《中国现代文学的性别意识》-北京:人民文学出版社,2002年

¹¹ 常彬:《中国女性文学话语流变:1898-1949》-北京:人民出版社,2007年

¹² 李铄:《中国现代女性创作及其社会性别》-北京:人民文学出版社,2002年

¹³ 梁乙真:《中国妇女文学史纲》,上海书店,1990年,乔以钢:《中国古代妇女文学的感伤传统》,详见《文学遗产》,1991年第4期;吴世昌:《论五言诗起源于妇女文学》,详见《文史知识》,1985年第11期;胡文楷:《历代妇女著作考》,上海古籍出版社,1985年;陈东原著:《中国妇女生活史》,上海文艺出版社,1990年;张修蓉著:《汉唐贵族与才女诗歌研究》,台湾文史哲出版社,1985年

¹⁴ Huang N. Introduction//Chang E. Written on water. – New York, 2004. P.IX-XXVII

¹⁵ Li Oufan. Shanghai modeng – yi zhongv dushi wenhua zai shanghai 1930-1945. – Beijing, 2001

¹⁶ Lee L. Shanghai modern: The Flowering of a New Urban Culture in China 1930-1945. – Cambridge MA, 1999

¹⁷ Ван Аньи. Такая обычная и земная Чжан Айлин.// Китайские метамарфозы: современная китайская художественная проза и эссеистика/ Составитель и ответственный редактор Д.Н. Воскресенского. – Москва, 2007.

бўлиб, бу асарларда айрим адибаларнинг ижод хусусиятларига ва давр адабий муҳитига эътибор қаратилган.

Ўзбек хитойшунослигида хитой аёллар адабиёти тадқиқи борасида айрим мақола ёки ўқув адабиётларидаги биографик маъмулотлар учрайди, холос. С.Носирова¹⁸, С.Насимова¹⁹ларнинг илмий мақолалари хитой аёллар адабиётининг маълум бир босқичи, айрим алоҳида олинган аёл ёзувчиларнинг ижодига бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ таржимашунослигининг назарий ва амалий масалалари», хитой адабиёти ва хорижий тиллардан фойдаланишга алоқадор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий хитой «аёллар адабиёти»нинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, жанр ва услуб хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Хитойда аёллар адабиётининг юзага келиши ва ривожланишига таъсир қилган ижтимоий-сиёсий муҳит, тарихий вазият ва адабий жараёнларни асослаш;

тарихий тараққиёт ва бадиийлик мезонлари асосида хитой аёллар адабиётининг тараққиёт босқичлари ва тамойилларини аниқлаш;

ислохотлар даври хитой адабиёти – XX асрнинг 80-90 йилларида ривож топган адабий оқим ва йўналишларда ижод қилган адибалар фаолиятини ёритиш;

энг янги давр – XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги хитой аёллар адабиётининг эволюцияси ўзига хос адабий жанрлар, ижодий методларни аниқлаш ва уларда ижод қилган адиба ҳамда шоирлар адабий мероси ҳақида тўлиқ маълумотларни илмий муомалага киритиш;

замонавий Хитой адабиётида адибаларнинг ўрнини аниқлаш ҳамда асарларининг ғоявий-бадиий мазмунини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини XX-XXI асрлар Хитой адабиётида чуқур из қолдирган аёл ижодкорларининг асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хитойда «аёллар адабиёти»нинг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари, жанр ва услуб хусусиятлари, ғоявий-бадиий жиҳатлари белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда контекстуал таҳлилнинг социологик, тарихий-маданий, қиёсий, биографик таҳлил турларидан фойдаланилди.

¹⁸ Носирова С. Роль и место китайской женщины в обществе дореволюционного и современного Китая.// «Баркамол авлод тарбиясида шарқшунос олимларнинг ўрни» мавзусидаги Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2016. – 79-83

¹⁹ Насимова С. Модернистская направленность произведений Цань Сюэ// «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари – Тошкент, 2012. – Б.136-139; Насимова С. Социально-исторические и культурные препосылки развития модернизма в китайской литературе: Творческий путь Цан Сюэ// «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент, 2013. – Б. 149-156; Насимова С. Психологизм личности героини произведения Дин Лин «Коровник», как отражение взглядов творческой интеллигенции периода «Культурной революции»// «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари – Тошкент, 2015. – Б.136-143

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Хитойда аёллар адабиётининг юзага келиши ва тараққиёти қиёсий-типологик ва тарихий-маданий аспектда ўрганилиб, пайдо бўлишидан ХХІ асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган тараққиёт йўли асосланган;

XX асрда ижод қилган аёл адибалар асарларини таҳлил этиш асносида миллий анъаналар ва жаҳон адабиёти тажрибалари, замонавий оқим ва йўналишларнинг ёзувчи ҳамда шоиралар ижодий методига таъсири жараёни кўрсатилган;

Хитой аёллар адабиётини даврлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилган ҳар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари адабий жараёнлар, бадиий асарларнинг мавзу кўлами, мазкур ёзувчиларнинг ижодий услуби ёритилган;

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги аёллар адабиётининг насрий йўналишида асарлар ёзган Тяо Йэ, Лу Мин, Фан Сяоцин, Вэй Вэй, Чи Цзицян ижоди, авангард йўналишда ижод қилган Цан Сюэнинг «Усян кўчаси» (《五香街》), Лин Байнинг «Бир одамнинг уруши» (《一个人的战争》), манжур адибаси Бян Линлиннинг «Дебудали» (《德布达里》), Су Лихуа (тах.Хай Нан) нинг «Уезд шаҳри» (《县城》) Чэн Жаннинг «Шахсий ҳаёт» (《私生活》) романларининг таҳлили ўзбек шарқшунослигида илк бор амалга оширилган ҳамда «тармоқ адабиёти» йўналишда ижод қилган шоиралар Юй Сухуа, Ян Цзясан, Дай Вэйна, Чжоу Цзанларнинг ижодидан намуналар илмий муомалага киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан адабиётшунослик бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация мавзусига доир таҳлиллар натижасида олинган илмий-назарий хулосалар ва таҳлилга тортилган материаллар тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (хитой), адабиёт назарияси каби фанларни ўқитишда кўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, тадқиқотга ёндашув ва фойдаланилган методларнинг ишга мослиги, илмий фикрларнинг назарий манбаларга асосланганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, илмий хулосалар чоғиштирма-типологик, тавсифий таҳлил методлари асосида келтирилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти ундаги асосий илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалардан олий ўқув юртларида хорижий филология ва шарқ филологияси факультетлари тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи (Хитой), адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, мутахассисликнинг назарий масалалари, Шарқ адабиётида бадииятшунослик масалалари фанлари бўйича маърузалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлар олиб бориш, махсус курслар ўтиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ва турли тавсияномалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар Хитой аёллар адабиёти тараққиётини тадқиқ қилишда

илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан замонавий хитой аёллар адабиётининг шаклланиши ва тараққиёт тамойиллари, ижодкор аёлларнинг бадиий маҳорати, улар ижод қилган жанрлар тизими, уларнинг ижодий методи ва шу каби масалаларга бағишланган махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитойда аёллар адабиётининг генезиси ва такомил босқичларининг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Хитойда аёллар адабиётининг юзага келиши ва тараққиёти билан боғлиқ натижаларидан ОТ-Ф1-67 рақамли «Буюк ипак йўли минтақаси халқлари фольклорининг типологияси, миллий ўзига хослиги ва ёзма адабиёт ривожидан туган ўрни» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3615 сон маълумотномаси). Натижада, Хитойда яшаб ижод этган аёл ижодкорларнинг адабиётдаги ўрни ҳамда асарларида фольклор анъаналаридан унумли фойдаланилганлиги масалаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

Хитой аёллар адабиёти, ХХРда гендер тенглик масаласига оид хулосалардан Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтида илмий фаолиятида, хусусан, «Хитой тили» билан боғлиқ илмий йўналишларда қўлланилган (Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг 2020 йил 18 августдаги 6-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар ўқув жараёнида тингловчиларда Хитой аёллар адабиёти ва унинг тараққиёти, адибалар ҳақида маълумотларни етказишга хизмат қилган;

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги аёллар адабиётининг насрий йўналишида асарлар ёзган Тяо Йэ, Лу Мин, Фан Сяоцин, Вэй Вэй, Чи Цзицян ижоди ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг туркум кўрсатув ва эшиттиришларида, жумладан, «Маҳалла» радиоканалининг «Мунаввар соатлар» эшиттириши жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» радиоканали ДУК, 2020 йил 29 сентябрь 04-110 сон маълумотномаси). Натижада, радио эшитувчиларда Хитойдаги аёл адибалар ва уларнинг сержило асарлари, ўзига хос образлар тизими борасидаги билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, бундан 2 таси хорижий журналда, 3 таси маҳаллий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хитой адабиёти контекстида замонавий аёллар ижодининг тутган ўрни»** деб номланган биринчи бобида замонавий аёллар адабиётининг шаклланиш асослари ва XX асрнинг 50-70-йилларида Хитойдаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг аёллар ижодига таъсири каби масалалар ёритилган.

Манбалардан кўриш мумкинки, 80-йиллардан бошлаб хитой адабиёт-шунослигига «аёллар адабиёти» тушунчасини ифодаловчи «女性文学» (女性 – аёл жинсли, 文学 – адабиёт) янги термини кириб кела бошлади. 1983 йил «Замон бадий тафаккури» журналі²⁰ да эълон қилинган Ву Жяо-енгнинг «Янги давр «аёллар адабиёти» ҳақида мулоҳазалар» мақоласида илк бор бу атама қўлланилгани айтилади²¹. Моҳиятан иккала атамани ўзаро ўрнини алмаштириб ишлатиш мумкин, иккаласи ҳам аёллар ижодиётини англатади. Фақат уларни тор ва кенг маънодаги терминлар сифатида фарқлаш мумкин холос. Биринчиси кенг маънода – аёл ижодкорлар томонидан ёзилган барча асарларни қамраб олса, иккинчиси тор маънода – аёл ижодкорлар томонидан аёл жинсига оид образлар акс эттирилган адабиётни ифодалайди. Адабиётшунос олим Лю Сичэннинг фикрича, иккала термин ўртасида аниқ фарқлар мавжуд. «女性文学» (女性 -аёл жинсли, 文学 -адабиёт)да аёллар характери, уларнинг ўзлиги, жамиятдаги роли кабилар акс эттирилган аёллар томонидан ёзилган адабиёт бўлса, «妇女文学» (妇女-аёл, 文学-адабиёт) бу кўпроқ 30-йиллардан кейинги адабиётга хос бўлиб, аёл образи сиёсийлаштирилган, қаҳрамонга катта ижтимоий вазифалар юкланган адабиётдир²². Демак, 30-йиллардан Хитойда бошланган янги ислохотлар даври, 80-йилларгача бўлган адабиётни «妇女文学», 80-йиллардан кейинги эркин ижод қилишга шароит яратилган, аёлларнинг шахсини, унинг руҳияти, кечинмаларини биринчи планга олиб чиққан адабиётни «女性文学» атамаси билан изоҳлаш мантиқан тўғри бўлади. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар иккала атама ҳам ишимиз объекти ҳисобланган аёллар адабиёти тушунчасини ҳам давр, ҳам бадий-ғоявий жиҳатдан ҳар томонлама ўз ичига қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, бу – аёл ижодкорлар қаламига мансуб барча адабий тур ва жанрдаги адабиётдир.

²⁰ 吴礁英:《新时期》女性文学》漫谈》//当代文艺思潮, 1983 (4).

²¹ 降红艳:《女性文学》还是《性别文学》——《女性文学》及相关概念辨析,《云南社会科学》2002年第5期

²² 刘思谦:《娜拉》言说——中国现代女作家心路纪程》-上海:上海文艺出版社,1993年,第3页.

XIX аср – XX асрнинг бошларига қадар Хитой халқи турмуш тарзи, маданияти, санъати феодализм тузуми, конфуций таълимоти билан чамбарчас тарзда кечди. Шу билан бирга бу давр янги хитой адабиётининг шаклланиши учун замин ҳозирлаган бир босқич бўлди. Барча халқларнинг адабиёти ривожига ўша халқ ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий муҳит жиддий таъсир кўрсатади. Хитой адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакат тарихида содир бўлган баъзи ижтимоий-сиёсий воқеалар хитой сўз санъатида айнан аёллар адабиётининг махсус бир йўналиш сифатида шаклланиши ва қарор топишига жиддий таъсир кўрсатди. Шундай воқеалардан бири Синхай инқилоби ва 4-май ҳаракатидир. Чунки айнан Синхай инқилоби (辛亥革命)²³ дан сўнг ғарбона либерал қарашларининг, фалсафий тафаккурининг хитой жамоатчилиги фикрига таъсири кучайди.

1920 йили Шанхайда махсус «Син фунюй» (新妇女 «Янги аёл») номли журнал таъсис этилди. Бу давр ёзувчилари ўз мақолаларида аёлларнинг илм олиш ҳуқуқи, оила ва никоҳ масаласида тенглик, эркинлик, меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнатга яраша ҳақ олиш, оёқларни бинт билан боғлаш²⁴ ни тақиқлаш масалаларини кўтардилар. Албатта, бу муаммоларнинг кўтарилишига ғарб дунёси тамойиллари кучли таъсир кўрсатди.

1930 йилнинг бошларига келиб янги аёл қиёфаси ўзгара бошлади. Бу айниқса Шанхайда чоп этиладиган суратли журналларда яққол кузатилади. Республиканинг дастлабки йилларида Шанхайда аёлларга мўлжалланган алоҳида журнал мавжуд бўлмаган. Аммо аёлларга тегишли барча масалалар матбуот саҳифаларида мунтазам ёритиб борилган. Саводли, ўқимишли аёлларнинг аста-секин кўпайиб бориши натижасида оммавий нашрларда аёл ўқувчиларга мўлжалланган махсус рунлар пайдо бўла бошлади.

XX асрнинг 20-30-йиллари аёллар адабиётининг истеъдодли намояндалари сифатида Бин Син (冰心), Дин Лин (丁玲), Сяо Хун (萧红), Ши Пингмэй (石评梅), Лу Биченг (吕碧城) номлари эътироф этилади. Буларнинг ижоди замонавий хитой «аёллар адабиёти»га тамал тоши бўлиб қўйилди. Агар уларнинг ҳаёти ва ижодига назар ташланса, асарларида ўша давр ижтимоий муҳитининг таъсири яққол сезилади. Бу адибаларнинг барчаси олий маълумотли, аксарияти зиёли ва бой хонадонларнинг фарзандлари, хорижда таҳсил олишган, мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишган. Уларнинг асарларида давр аёллар адабиётининг энг муҳим жиҳатлари ўз аксини топган. Шунингдек, адибаларнинг ижоди жаҳон адабиётчилари, китобхонлари ва мунаққидларининг ҳам назарига тушган, бир

²³ Синхай инқилоби (辛亥革命) – 1911-1913 йилларда Хитойда содир бўлган инқилоб бўлиб, бу ҳодиса туфайли маньжурларнинг Цин сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилиб, Хитой республикаси (1911-1949) эълон қилинди.

²⁴ Изоҳ: Хитойда X асрдан бошлаб қизларнинг оёқларининг кафти ва бармоқлари жуда кичик пайтидан товонига қўшиб мато билан қаттиқ боғлаб қўйилган ва оёқ ўлчамадан кичик бўлган оёқ кийим кийгизилган. Бундан оёқнинг шакли ўзгарган ва ҳатто юролмайдиган даражага етган. Бундай оёқлар «олтин нилуфар» деб номланган. Келиннинг мавқеи товоннинг ўлчовига қараб баҳоланган. Юқори табақага тегишли қиз мустақил юришига ҳожат йўқ деб ҳисобланган. Адабиётларда хабар берилишича, кучсизлик, ўзгаларнинг ёрдамсиз ҳаракатлана олмаслик зодагон аёлларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, баққуват ва соғлом оёққа эга бўлган аёллар дехқонлар меҳнати, «паст табақа»га мансуб аёлларни ифодалаган. Бу ҳақида батафсил қаранг: https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%91%D0%B8%D0%BD%D1%82%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B5_%D0%BD%D0%BE%D0%B3

неча тилларга таржима қилинган. Мавзулар ранг-баранглиги, долзарблиги нуқтаи назаридан бугунги кунга қадар ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

40-50-йиллар аёллар адабиёти ривожини Иккинчи жаҳон уруши ва Хитойдаги граждандар уруши йилларига тўғри келди. Айнан мана шу муҳим сиёсий омил туфайли мамлакатда тизим алмашинуви содир бўлди. Табиийки, ҳукмрон тизимнинг мафкураси, энг аввало, маданият, санъат ва адабиётга жиддий таъсир кўрсатди. Адабиёт ҳукуматнинг сиёсий қуролига айланди. Халқ фожеаси, зиёлиларнинг уруш пайтидаги изтироблари, урушнинг оддий инсонлар тақдирига таъсири каби масалаларнинг қаламга олиниши бадиий жиҳатдан юқори савиядаги асарларнинг ҳам яратилишига туртки бўлди.

XX асрнинг 50-йилларига келиб, Мао Цзэдуннинг адабий мафкураси бутун мамлакат бўйлаб ҳал қилувчи кучга айланди. Бу идеологиянинг асосида эса адабиётнинг ижтимоий-сиёсий самарадорлигини ошириш турар эди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт синфий, сиёсий манфаатларга хизмат қилиши, бўйсунуши лозим эди. Мазкур мафкура ҳар қандай ижод эркинлигини тақиқлар эди. Натижада бу сиёсатга қарши бўлган ва уни қўллаб қувватламаган кўплаб ижодкорлар хорижга чиқиб кетдилар. Аксарият ёзувчилар таржималар билан шуғулландилар. Айни шу йиллари ҳам аёллар адабиёти ривожланишда тўхтамади. Аксинча, жуда кўплаб шоира ва адибалар адабиёт саҳнасига кириб келдилар. Юань Цзин, Цао Мин, Чжан Айлин, Лу Биченг ва бошқа ўнлаб ижодкорлар шулар жумласидандир. Уларнинг айримлари мавжуд вазиятга теран қараб, бадиий баркамол асарлар яратган бўлсалар, айримлари коммунистик партия ғояларининг тарғиботчиси, мафкура хизматчиси сифатида фаолият юритдилар.

1960 йилларнинг ўрталаридан мамлакат тарихий нуқтаи назардан янги мафкуравий тизимга ўтиб, ички бошқарув сиёсатида коммунистик идеологиянинг ҳукмронлиги қарор топган эди²⁵. Бу мафкура қандай оқибатларга олиб келганлиги бугунги кунга қадар ҳам сиёсатчилар томонидан баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар, таҳлилий материалларни кўрсатиш мумкин²⁶. Бу давр хусусиятини лўнда қилиб: ҳар қандай ҳур ва эркин фикр бўғилган, тазйиққа учраган, илм-фан ва таълим инқирозга юз тутган, ўзаро ишонч йўқолган, мамлакатнинг иқтисодий ҳолати танг бир аҳволга келган, маданий кадриятларга жиддий шикаст етган тарзида ифодалаш мумкин. Бу ўзгаришлар давр кўзгуси ҳисобланган адабиётга, хусусан, аёллар адабиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Жаҳон адабиётида аёллар адабиёти вакиллари ҳисобланган Бин Син, Лин Шухуа, Лу Ин, Фэн Юанцзюн, Ван Аньи номлари жуда машҳур. Айнан маданий инқилоб аёл

²⁵ Қаранг: Harrison J.P. The Long March to Power. A History of the Chinese Communist Party / J.P. Harrison. – New York – Washington : International Thomson Publishing, 1972; Усов В.Н. «Культурная революция» в Китае // В книге: История в лицах и событиях. – Москва, Политиздат, 1991.

²⁶ Асланов Р.М. Три модели и перспективы социализма в КНР // Восток-Россия-Запад: Ист. и культурол.исслед: К 70-летию акад. В.С.Мясникова. – М., 2001; Бергстен Ф., и др. Китай. Что следует знать о новой сверхдержаве. – М.: Институт комплексных стратегических исследований, 2007; Бондарева В.В. Культура и «культурная революция» в КНР (1966-1976 гг.): соотношение понятий / В.В.Бондарева // Гарни 2004: материалы Научной сессии ФИСМО (факультет истории, социологии и международных отношений). – Краснодар: Кубанский государственный университет, 2004.

адибалар ривожига ҳам туртки берди. Адабий асарларнинг мазмун-мундарижаси, образлар талқинида, воқеликка ёндашувида ўзгаришлар кузатилди. Асарларда инқилобий ғоялар етакчилик қилди, ҳарбий қаҳрамонлар образини бир ёклама талқин қилиш тамойиллари кучайди.

1976 йили Мао Цзэдуннинг вафотидан сўнг Дэн Сяопиннинг ҳукумат тепасига келиши хитой адабиётида «чандиклар адабиёти» (伤痕文学) деб номланувчи йўналишнинг юзага келишига туртки бўлди. Бу босқич адабиётининг «маданий инқилоб» даври адабиётидан асосий фарқи энди бадиий ижоддаги барча чеклов, тазйиқлар олиб ташланди, оммавий қирғин қилишларга барҳам берилди.

«Чандиклар адабиёти» йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз борганда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: бу йўналишдаги асарлар ўта содда сюжетга эга, қўпол ва очиқдан-очиқ танқид руҳида ёзилган. Кўпроқ аламзода инсоннинг ичидагиларини тўкиб солиши ҳолатини эслатади. Бу давр адабиёти тарихида аёл ижодкорлар ҳам муносиб ўрин эгалладилар. Миллат адабиётининг узвий ажралмас қисми ҳисобланган «аёллар адабиёти» бу даврга келиб ўзига хос тараққиёт босқичини бошдан кечирди. Чжан Цзэ (张洁), Ван Аньи (王安忆), Тие Нинг (铁凝) сингари адибаларнинг асарлари айнан шу даврда яратилган.

Диссертациянинг «**Хитойдаги ислохотлар даврида аёллар ижодида бадиий тафаккурнинг янгиланиши**» деб номланган иккинчи боби «илдизларни излаш» адабий йўналишининг аёллар ижодидаги талқини ҳамда «авангард адабиёт» тажрибаларида адибаларнинг ўрни каби масалалар таҳлилига бағишланган.

Хитойлик олим Хун Цзичен 80-йиллар адабиётини икки босқичга бўлишни тавсия қилади: 1985 йилгача бўлган давр ва ундан кейинги давр²⁷. XX аср 80-йилларининг бошлари турли ғоявий маданиятлар «очиш» ва «сингдириш», «маданий инқилоб модели» ва соцреализмни йўқ қилиш йўллари ишлаш даври бўлди. Маърифатчилик руҳидаги инсонпарварлик ва модерн адабиёт жамоатчилик диққат-эътиборида бўлди. Агар «чандиклар адабиёти» ўрнига келган «ўтмиш ҳақида ўйлар адабиёти» маданий инқилобни танқид қилиш йўлини тутган бўлса, 80-йилларда бу мавзу эътибордан четда қолди. Ёш ижодкорлар қайғули ўтмишга эмас, эркин ижодга, турли мавзуларга мурожаат қила бошладилар. Янги адабий йўналишлар майдонга кела бошлади. Томас Элиот, Виржиния Вулф, Норма Мейлер, Дональд Бартельм каби жаҳон адабиёти намояндларининг ижоди хитой авангардининг ривожига сабаб бўлди.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб ёш ёзувчилар «Ҳосил» журнали атрофида бирлашдилар. Ма Юан («Кай тоғининг ишвалари»), Жан Синсин («Пекинлик»), Ши Тешэн («Такдир торлари»), Лю Сола («Сенда танлаш имконияти йўқ»), Ван Аньи («Сяобажуан қишлоғи»), Хан Шаогун («Па-па-па») сингари ёш ёзувчиларнинг асарлари айнан шу даврда чоп этила бошланди. Уларнинг ижод йўналишини хитойлик мунаққидлар Чэнь Сяомин ва Чжан Ю

²⁷ Хун Цзычэн. Литературные процессы в 80-е годы./ В книге: История современной китайской литературы. – Москва, 2016. – С.196.

лар «авангард наср», «тажриба наср», «метанаср», «янги мавж насри» номлари билан атадилар²⁸.

80-йилларнинг ўрталарида яратилган асарларда ёзувчилар халқнинг яқин ўтмишидаги даҳшатларини тасвирлабгина қолмасдан, мамлакат ривожига тўсиқ бўлаётган жамиятда ҳали ҳамон сақланиб келаётган иллатларни таҳлил ва танқидлар қилишга уриндилар. Натижада публицистика ҳам жадал тараққий этди. «Илдизларни излаш» оқими пайдо бўлди. «Илдизларни излаш» (寻根文学) муҳим маданий оқим ҳисобланиб, бу тушунча миллий маданий анъаналарнинг рамзи маъносида ҳам қўлланила бошланди. Адабий жараёнларда ҳам у ўзига хос мазмун касб этди. 1984 йил декабрь ойида Ханчжоу шаҳрида «Янги давр адабиёти: ретроспектива ва прогноз» Кенгаши ўтказилади. Кенгашда ёш ва кекса авлод ёзувчи ҳамда танқидчилари иштирок этдилар. Шунингдек, улар орасида «ўқимишли ёшлар»га мансуб бўлган Хан Шаогун, Ли То, Чжэн И, А Чэн, Ли Цинсилар ҳам бор эди. Кенгашдан сўнг унинг иштирокчилари бирин кетин «илдизларни излаш» (寻根文学) адабиётига доир фикр мулоҳазалари акс этган мақолалар ёза бошладилар. Чжэн Ванлуннинг «Менинг илдизларим», Ли Ханюйнинг «Илдизларимни тартибга келтириш», А Чэннинг «Маданият инсониятни чегаралайди» каби мақолалари эди. Булар орасида, айниқса, Хан Шаогун бу оқимда фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг «Адабиёт илдизлари» (文学的根) мақоласи бу адабий оқимнинг манифести сифатида қабул қилинди²⁹. Хан Шаогун: «Адабиётнинг илдизлари бор, адабиётнинг илдизлари анъанавий миллий маданият асосларига чуқур кириб бориши керак. Агар илдизлар чуқур бўлмаса, унинг япроқлари ҳам гуллаб яшнамайди», дея эътироф этади. Буларнинг барчаси «илдизларга қайтиш» адабиётининг концепциясини шакллантиришга замин яратди.

Хитой адабиёти тарихида 80-90-йиллар аёллар адабиётининг юқори даражада ривож топганлиги билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, «70-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг ўрталарига қадар мамлакат чуқур маданий трансформацияни бошидан кечирди ва аёл ижодкорлар бу маданий ва лингвистик трансформацияда фаол иштирок этдилар»³⁰.

Бадиий насрга аёл ижодкорларнинг катта оқимининг кириб келиши 80-йилларнинг маданий феномени сифатида қаралади. Бу йилларда Чэнь Хэнджа, Бин Син, Люй Ин, Лин Шухуа, Бай Вэй, Ло Шу, Дин Лин, Су Сюэлинлар бу оқимнинг асосий кучи эди. Адабиётда аёллар номларининг кўпайиши, энг аввало, аёлларнинг эркинликка чиқиши масаласи ижтимоий муаммо сифатида кун тартибига қўйиши билан боғлиқ. Асосий таркибни зиёлилар ташкил этган ислохотчилар аёлларни ҳар томонлама қўллаб қувватладилар. Бу ўринда эътибор қаратиши керак бўлган муҳим бир жихат мавжуд. 80-йилларнинг бошларида адабиётга кириб келган адибалар махсус гендер гуруҳ сифатида шаклланмаган эди. Хитойлик танқидчилар, китобхонлар ва адибаларнинг ўзлари ҳам аёл ва эркак ёзувчилар ўртасида фарқ бўлиши

²⁸ Чэнь Сяомин Постмодернизм и современная китайская литература [Текст]: [Интервью с китайскими учеными]/Чэнь Сяомин, Чжан Ю // Проблемы Дальнего Востока. – 2003.

²⁹ Хун Цзычэн. История современной китайской литературы. Москва, 2016. – С.300.

³⁰ История современной китайской литературы. – Москва, 2016. – С.347.

керак эмас деб ҳисоблаганлар. Зеро, эркак ва аёл ёзувчилар «чандиқлар адабиёти», «илдизларни излаш» ва бошқа йўналишларда бирдек фаол бўлдилар. Гендер ва ижод ўртасидаги ички боғлиқлик, аёллар ижоди ва аёллар адабиёти концепцияси 80-йилларнинг ўрталарига келибгина илгари сурила бошланди. Бунинг асосий сабаби эса, айрим адибалар ўзларининг асарларида аёллар масаласини кўтариб чиқиб, аёллар нуқтаи назарини ифодалай бошладилар³¹. Айнан шу йилларда «аёллар адабиёти» ўзи мавжудми деган масалага аёл ижодкорларнинг ўзлари томонидан ҳам қарама-қарши ёндашувлар кузатилди. Баъзи адибалар «аёллар адабиёти» йўналиши мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, ўзларини гендер мансублик жиҳатига урғу беришларини истамадилар. «Аёллар адабиётига» мансублик гўёки уларнинг ижодий қобилиятига менсимай, паст назар билан қарашга олиб келади. Аммо замонавий ғарб феминизмининг адабиётга кириб келиши, аёл ёзувчиларнинг ижодий тажрибасининг тобора ортиб бориши, адабий доираларнинг аёллар адабиёти концепциясига бўлган муносабатни тубдан ўзгаришига олиб келди.

Хун Цзичен ёшлар нуқтаи назаридан аёл ижодкорлар икки тоифани ташкил этишини таъкидлайди³²:

Биринчи тоифага 50-60-йиллар ва ундан олдинроқ адабиёт саҳнасига кириб келганлар (Ян Цзян, Вэй Цзюньи, Цзун Пу, Чжэн Мин, Хун Цзунин) ва Маданий инқилобдан кейин ўз фаолиятини намоён қилган ўрта ёшдаги адибалар (Чжан Цзе, Чэн Жун, Дай Цин, Лин Ли, Хо Да, Дай Хоун, Хан Ин, Чэн Найшан) киради.

Иккинчи тоифани «ўқимишли ёшлар»га кирувчи аёл ижодкорлар (Ван Аньи, Чжу Линь, Тие Нинг, Сюй Сяобин, Лю Сола, Ди Юнмин, Шу Тин, Чжан Канкан, Цан Сюэ)лар ташкил этади. Булар, асосан, XX асрнинг 50-йилларида туғилган бўлиб, маданий инқилоб даврида «қишлоқ худудларига юборилган»лар эди.

Иккинчи тоифага мансуб машхур адиба сифатида Тие Нинг (铁凝) ижодини мисол келтириш мумкин. Тие Нинг ўз ижодини 70-йилларнинг ўрталарида бошлаган бўлса-да, ёзувчи сифатида 80-йилларда танилди. Адибанинг асарлари кенг жамоатчилик томонидан қизгин қабул қилинди. Хусусан, «Оҳ, хушбўй қор» (《哦，香雪》) ҳикояси «Энг яхши ҳикоя» миллий мукофотида сазовор бўлди ва «Тугмасиз кизил кўйлак» (《没有纽扣的红衬衫》) асари асосида «Қизил кўйлакли киз» кинофильми (《红衣少女》) суратга олинди. Бу асарлар оддий инсонларнинг кундалик ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. Адибанинг асарларида замонавий ёшларнинг орзу ва интилишлари, кувонч ва умидлари, зиддиятлар ва омадсизликлари ўз ифодасини топади. Муаллиф кўпроқ персонажларнинг ички дунёси тасвирига диққатини қаратади.

Иккинчи тоифа, яъни «ўқимишли ёшлар» тоифасига кирувчи аёл ижодкорларнинг машхур вакили Ван Аньи (王安忆)дир.

³¹ Ли Цзюньи «Очищение человеческой души». Пекин, «Сяньлянь», 1984; У Дайин. «Беседы о женской прозе новой эпохи»/ «Современная литературные веяния», Ланьчжоу, 1983, №4; «Женский мир и женская литература»//Пекин, «Литературная критика», 1986, №1.

³² История современной китайской литературы. – Москва, 2016. – С.348.

Унинг «Сяобао қишлоғи» (《小鮑庄》) ва «Далючжуан қўрғони» (《大劉庄》) қиссалари «илдизларни излаш» йўналишида яратилган бадий жихатдан юксак техникага эга асарлардан ҳисобланади. «Сяобао қишлоғи» асарида адиба меҳнатдан қадди букилган, табиат ҳодисалари қаршисида ожиз ва қўрқувда яшайдиган оддий инсонлар ҳаётини қаламга олади. Шу билан бирга бу қишлоқ қадимий анъаналарга содиқ, инсоний қадриятлар ўз қимматини йўқотмаган бир маскан сифатида тасвирланади. Бу кичик оламда, ер юзининг бошқа жойларидаги каби барча кундалик ташвишлари билан бирга, ҳақиқий, зиддиятларга тўлиқ ҳаёт қайнайди. Адиба Сяобао қишлоғи образининг тўлақонли, яхлит манзарасини шакллантиришда қишлоқ табиати, деҳқонларнинг ўзаро ҳазиломуз суҳбатлари, улар маиший ҳаётининг ўта натуралистик баёнидан унумли фойдаланади.

XX асрнинг 80-йиллари хитой адабиётида ўзига хос бир босқич ҳисобланади. Айнан, 1980 йили Хитойда биринчи марта таржима асарлардан иборат «Модернистик насрий асарлар тўплами» нашр этилди.

Хитой модерн адабиётининг илк шаклланиши босқичининг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлди:

1. Инсоннинг индивидуал психологик шуурига, онгига эътибор қаратиш;
2. «онг оқими» шаклидаги баёндан фойдаланиш;
3. Метаморфоза, абсурд усулларида фойдаланиш;
4. Киноя, истиоралардан кенг фойдаланиш.

Кейинчалик 1985 йилга келиб модернизм оқими жуда кенг тарқалди ҳамда 80-йилларнинг охирига бориб ўз ривожининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Бу оқим намояндалари асосан XX асрнинг 50-60-йилларида туғилиб адабиёт оламига 80-йилларнинг бошларида кириб келган ёшлар (Ма Юан, Цан Сюэ, Гэ Фэй, Юй Хуа, Сун Ганьлу, Су Тун, Бэй Цун, Хун Фэн) бўлиб, уларнинг аксарияти ғарб адабиёти таъсиридаги ижодкорлар эдилар. Бу оқимнинг асосчиси Ма Юан бўлиб, хитой адабиётидаги илк «тажриба роман» ёки «авангард роман» айнан унинг қаламига мансуб. Бу йўналишда яратилган романлар мафкура билан чамбарчас боғланган ўтган давр романларидан кескин фарқ қилади. Бунгача бўлган адабий оқимлар: «чандиқлар адабиёти», «ислохотлар адабиёти», «илдизларни излаш адабиёти»нинг барчасида мафкурага бўйсунуш мавжуд эди. Авангард оқимидаги романларда бу хусусият кузатилмайди. Уларнинг бадий қиммати тамомила бошқа адабий-эстетик асослар билан белгиланди³³. Бу романларда ўтмишнинг тўқима манзарасини яратиш тамойили етакчилик қилди. Бадий тўқима худди реал воқелик ва ҳақиқат сифатида намоён бўлди.

80-йилларнинг охирларига бориб ўрта ёшдаги адибалар ижодида индивидуаллик, миллий ва маҳаллий колоритнинг ёрқин намоён бўлиши кузатилади (迟子建 ва 阿成 асарлари). Хитойда авангард адабиёт «маданий инқилоб» харобалари ва ижоднинг индивидуаллашуви натижасида юзага келди.

³³ Завидовская Е. Постмодернизм и современная китайская литература // Проблемы Дальнего Востока . - 2003. - №2. - С.146.

Уни юксак ғоявий-эстетик қарашлар билан қуролланган, янгиликни осон ўзлаштира оладиган ёшлар яратдилар. Авангард адабиётида «исёнкор» инсоннинг кучли колорити, ғарб қадриятлари ва ижодий методларини ўрганишга мойиллик мавжуд эди. Маданий инқилобдан сўнг йўқолиб кетиш, йўқлик кайфияти ғарбнинг модернизм ва постмодернизмдаги бегоналашув, абсурд ва экзистенциализм адабий назариялари билан қўшилиб кетди³⁴.

XX асрнинг 90-йилларига келиб ғарб адабиётининг таъсири сезиларли бўлишига қарамасдан кўнгилочар адабиётлар нашри тобора ортиб борди. Аммо адабий анъаналарга содиқ ёзувчиларнинг ижоди ҳам ўз таъсир кучини йўқотмади. Адабиётчилар 90-йилларни алоҳида бир босқич сифатида ўрганиш керакми йўқми, 90-йиллар 80-йиллардан нимаси билан фарқ қилади, деган саволлар устида кўплаб баҳс-мунозаралар олиб бордилар³⁵.

Агар Хитой тарихига назар ташласак, 90-йиллар бошида мамлакатдаги энг муҳим ҳодиса бу унинг бозор иқтисодиётига ўтиши бўлди. Бозор иқтисодига ўтиш асослари ва тажрибалари 80-йилларда бошланган бўлса-да, 90-йилларга келиб бу тажриба амалиётга кенг тадбиқ этила бошланди. Бу ҳодиса бадиий адабиётга ҳам таъсир кўрсатди. Маданиятни, шу жумладан, адабиётни ислоҳ қилиш масаласи давлат даражасидаги масалага айланди.

Бу давр аёллар адабиёти ҳақида сўз борганда 90-йилларда ижод қилган энг машҳур адибалардан Жонг Янг (重阳), Лин Бай (林白), Чэн Жан (陈染), Су Кун (徐坤), Су Сяобин (徐小斌), Хай Нан (海男), Су Лан (须兰)ларнинг номлари зикр этилади.

90-йилларда ижод қилган адибалардан яна бири Чэн Жан (陈染,1962) Пекинда таваллуд топган бўлиб, адабиётга қизиқиши 18 ёшида бошланган.

Чэн Жан асарларида хотираларга мурожаат қилади. Бу аёлларда содир бўлаётган руҳий инқирознинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Аёлнинг хотиралари орқали унинг болалиги ва бокиралик чоғлари билан боғлиқ воқеалар гадалантирилади. Чэн Жаннинг хотираларида қиз билан йигитлар муносабатлари тасвири ҳам тез-тез учрайди. Бу хотиралар орқали қизларнинг бокиралик билан хайрлашувидан иборат изтиробли жараёнлар, уларнинг тушкунликка тушиши кўрсатилади. Қизнинг фантазияси ва романтик тасавури реал ҳаёт билан тўқнашганда пучга чиқади. Номусидан, бокиралигидан айрилиши, шафқатсизликка учраши қизнинг бутун орзу-умидларини саробга айлантиради. Бу оламда энди у ҳимоясиз ва бегона. Натижада энди у улғая боради.

Бир сўз билан айтганда, авангард адабиёт ўз ичига ҳам модернизм, ҳам постмодернизм, плюрализм ва индивидуализмни қамраб олди. Бу йўналишларнинг асосида зиёли ижодкорларнинг давлат позициясига норозилиги ва «интелегенция ва давлат ўртасидаги муносабатнинг барбод бўлиши ва уларнинг қаршилиги ифодаси» турарди. Авангард ёзувчилар ижодининг асосий материали бу: уларнинг шахсий кечинма ва изтироблари,

³⁴ 19-20 шизци Дунбэй вэньсюэ дэ лишн бяньцянь = Исторические изменения в литературе Северо-Востока XIX-XX веков / Гл. ред. Ли Чуньянь. – Чанчунь: Цилинь жэньминь чубаньшэ, 2004. – С.300.

³⁵ Хун Цзычэн. Литературные процессы в 80-е годы// В книге: История современной китайской литературы. – Москва, 2016. – С.387.

болаликни эшаш, тақдир, умид, севги, нафрат, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги индивидуал кечинмаларидир.

Диссертациянинг «Энг янги давр хитой аёллар адабиётининг эволюцияси» деб номланган учинчи боби замонавий аёллар ижодида реалистик янги тамойиллар табиати ва «тармоқ адабиёти» таркибидаги аёллар ижоди каби масалаларни очиб беришга қаратилган.

